

9-сонли Пудрат шартномаси
Лот№ 22110012098706 11 июн 2022 йил

Самарканд шаҳар
шартнома тузилган жой

«14» июн 2022 й.
шартнома санаси

Ободонлаштириш бошкармаси кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ю.Ю.Бобоназаров номидан, бир томондан ва FAVVORA QURUVCHI-NUR MCHJ кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар Н.Уринбаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларни қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Эълон бўйича	Шартнома Суммаси
	Университет хиёбонидаги 1 ва 2 фаввораларни жорий таъмирлаш ишлари	411 159 733	411 059 800
	Жами)		411 059 800

1.2. Контрактнинг умумий суммаси ККС билан 411 059 800 (Тург юз ун бир миллион эллик туккиз минг саккиз юз) сўми ташкил қилади.

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “15” июн 2022 й. Тугаши: “14” август 2022 й.

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар яқунлангандан кейин “Пудратчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Пудратчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда контракт талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Контракт шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Пудрат ишлари бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- савдолар ғолиби бўлган пудратчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмаслик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, пудратчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида ишлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи пудратчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Пудратчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;
- сифат, техник параметрлар ва тақлиф этилаётган ишларни бажариш муддатлари пудратчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарилганлик учун жарима етказиб пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Пудрат ишлари бажариш муддати ўтказиб юборилган ёки бажарилмаган ҳолларда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси бажарилмаган пудрат ишлари қийматининг 50 фоизидан ошишига йўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва пудрат ишларини бажариш муддатини ўтказиб юборилиши ёки бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт газначиликда мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабргача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.


9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи	
Ташкилот номи FAVVORA QURUVCHI-NUR MCHJ Самарканд шаҳар, Амир Темур кучаси 224 уй	
Тел х/р: 2020 8000 5055 1356 8001	
АТБ «Турон банк» Самарканд филиали МФО: 00282, СТИР: 309 448 219	
М.Ў. (имзо)	Н.Уринбаев Ф.И.Ш

Буюртмачи	
Ташкилот номи: Самарканд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси Манзил Самарканд ш. Гагарин кучаси 1 йўлов 1 уй Тел.: _____ Факс: _____	
СТИРкоди: 204858743 ОКОНХ:90211 ш/х: 100022860184017065100110042 Ҳазначилик бўлинмаси номи: Самарканд шаҳар бўйича ҳазначилик бўлинмаси Ягона Ҳазначилик ҳисобварақлари: 23402000300100001010 Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХККМ МФО: 00014 Ҳазначилик бўлинмаси ИНН : 201122919	
Рахбар: _____ М.Ў. (имзо)	Ю.Ю.Бобоназаров Ф.И.Ш

Ҳуқуққунос _____
Лицензия (диплом) № берилган санаси: _____
«__» _____ й _____
Ҳуқуққунос _____
Лицензия (диплом) № берилган санаси: _____
«__» _____ й _____



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FAVVORA QURUVCHI-NUR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FAVVORA QURUVCHI-NUR" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

08.04.2022

1121361

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

309448219

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Samarqand shahri, ul. Amir Temur, dom 224,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Samarqand shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

toimonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy,
tel.: (998 66) 233 34 37, el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru

2022 yil 14_iyun__-son

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

SHARTNOMA

Samarqand shahar obodonlashtirish boshqarmasi (buyurtmachi) hamda «FAVVORA QURUVCHI-NUR» MChJ (pudratchi) bilan 14.06.2022-yil tuzilgan №9 Pudrat shartnomasi (2022-yil 11-iyundagi Lot №22110012098706) ya'ni Universitet hiyobonidagi 1 va 2 favvoralarni joriy ta'mirlash ishlari uchun xizmat ko'rsatish to'grisida (11.06.2022-yildagi Tender komissiya yig'ilishi bayoni №98706, tijorat takliflari, MChJ guvohnomalari, MChJ rahbarlarining pasport nusxalari O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonun)

Samarqand shahar obodonlashtirish boshqarmasi (buyurtmachi) hamda «FAVVORA QURUVCHI-NUR» MChJ (pudratchi) bilan 14.06.2022-yil tuzilgan №9 Pudrat shartnomasi (2022-yil 11-iyundagi Lot №22110012098706) ya'ni Universitet hiyobonidagi 1 va 2 favvoralarni joriy ta'mirlash ishlari uchun xizmat ko'rsatish umumiy summa QQS bilan 411 059 800 (to'rt yuz o'n bir million ellik to'qqiz ming sakkiz yuz) so'm bo'lgan shartnoma O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonuni talablariga muvofiq tayyorlangan.

Shartnomaning amal qilish muddati 31.12.2022-yil

**Samarqand shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan
14.06.2022-yil tizimga kiritilgan**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti**



2022-yil «14» iyun

U.Raxmanov

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ободонлаштириш бошқармаси
булим бошлиги, комиссия раиси



Ж.Бабаев

Самарканд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси биносида
Университет хиёбонидаги 1 ва 2 фаввораларни жорий таъмирлаш ишлари
буйича ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

БАЁНИ

Самарканд шаҳри

«11» июн 2022 й.

Раислик қилувчи

Ж.Бабаев

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ж.Камбаров

Комиссия аъзоси, бош агроном

А.Химматов

Комиссия аъзоси, булим бошлиги

М.Мушинов

Комиссия аъзоси, булим бошлиги

Ш.Сохибназаров

Комиссия аъзоси, муҳандис

Т.Эгамуратов

Котиб, бош ҳисобчи

КУН ТАРТИБИ:

Самарканд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси биносида
Университет хиёбонидаги 1 ва 2 фаввораларни жорий таъмирлаш ишлари.

(Ж.Бабаев, Ш.Сохибназаров, Ж.Камбаров, Т.Эгамуратов)

Бошқарма томонидан 2022 йил 04 июнда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарканд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси биносида Университет хиёбонидаги 1 ва 2 фаввораларни жорий таъмирлаш ишлари буйича № 98706-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 11 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Самарканд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси биносида бошқарма томонидан Университет хиёбонидаги 1 ва 2 фаввораларни жорий таъмирлаш ишлари буйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан FAVVORA QURUVCHI-NUR MCHJ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бошкарма бош бухгалтери Т.Эгамуратовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 11 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб FAVVORA QURUVCHI-NUR MSHJ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бошкарма техник назоратчиси Самарканд шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси Университет хиёбонидаги 1 ва 2 фаввораларни жорий таъмирлаш ишларининг сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

Комиссия аъзоси, бош агроном




Ж.Камбаров

Комиссия аъзоси, булим бошлиги



А.Химматов

Комиссия аъзоси, булим бошлиги



М.Мушинов

Комиссия аъзоси, муҳандис



Ш.Сохибназаров

Котиб, бош ҳисобчи



Т.Эгамуратов